

Ўзбекистон Республикаси

Олий таълим вазирлиги

Наманган муҳандислик-педагогика институти

«Молия ва бухгалтерия ҳисоби» кафедраси

«Молия»

Фанидан курс ишларини ёзиш учун услугбий
кўрсатма

Кундузги ва З йиллик маҳсус сиртқи
5140900-касб таълими (Молия)
йўналишига оид бакалавриат талабалар учун

Наманган 2005 йил

Назария билан амалиётни яқинлаштириш, бу юқори малакали иқтисодчилар ўкув жараёнини янгилашнинг сифат кўрсаткичини оширишнинг асосий омилларидан биридир.

Ушбу услугбий кўрсатма «Молия» фани тайёрланган бўлиб, у Наманган мұхандислик-педагогика институтининг сиртқи талабаларига мўлжалланган.

Муаллифлар:

Иқтисод фанлари номзоди,
доцент А.Юлдашев,
Кат.ўқитувчи Х.Каримов

Такризчилар:

Иқтисод фанлари номзоди,
доц.И.Сирожиддинов

Молия ва бухгалтерия хисоби кафедрасининг 2005 йил 4-сентябрдаги 2-сонли йигилишида мухокама килинган ва укув жараёнида фойдаланиш учун тавсия этилган.

Наманган мұхандислик-педагогика институти кичик босмахонасида чоп этилди. Адади 40 нусха.

I. Умумий услубий кўрсатмалар

Бозор иқтисодиёти шароитида молия жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига сезиларли таъсирини кўрсатди. Молия тизими орқали умумдавлат марказлашган пул фондлари шаклланади ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланилади. Бюджет ва бюджетдан ташқари марказлашган фондлардан, маблағлар нафақат кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий тадбирларга йўналтирилади, балки кам даромадли аҳолини, даромад манбай чегараланган хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга, мамлакатни мудофаа қудратини мустаҳкамлашга ва бошқа умумжамият тадбирларни молиялаштиришда фойдаланилади.

Республикамизда тармоқлар иқтисодиётини бозор хўжалигига босқичмабосқич ўтилиши, молия механизмида ҳам туб ўзгаришларнинг бўлишини талаб қилмоқда. Жумладан, молия фанининг предмети ҳисобланган молия муносабатларида инқилобий қайта қуриш содир бўлди, яъни давлат билан хукуқий шахслар ўртасидаги, турли хил муносабатлар: тўловлар, ажратмалар ўрнига, бозор иқтисодиётининг талаби бўлган солик муносабатлари жорий қилинди. Бу ислохатлар давлат ихтиёридаги марказлашган ва хукуқий шахсларнинг марказлашмаган фондларини шаклланиши ва фойдаланишига сезиларли равишда ўзгартиришлар фойдаланишга сезиларли равишда ўзгартиришлар киритди.

Иқтисодиётни бозор хўжалиги асосида юритилиши, турли хил мукл шаклларининг пайдо бўлишига имконият яратди. Давлат, ширкат мулки билан бир қаторда щиссадорлик, хусусий ва аралаш мулк шаклида фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектлари ҳам вужудга кела бошлади. Демак, мулк шаклларинг турли хиллиги хўжалик субъектларини фаолиятини молия ресурслари билан таъминлаш манбаларини ҳам турлича бўлишини талаб этади. Ренжали иқтисодиёт шароитида хўжаликларнинг асосий молия ресурсларини шаклланиш манбай былиб, давлат бюджетининг маблағлари ҳисобланади. Корхоналарнинг ўз ва банк муассасаларининг ресурслари сезиларсиз эди. Иқтисодий ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмокдаки, бозор иқтисодиёти шароитида хўжаликларини молия ресурсларининг асосий шаклланиши манбай бўлиб, уларнинг ўз ресурслари молия бозоридан жалб қилинадиган маблағлар ва қарзага олинган ресурслар ҳисобланади. Бюджет маблағларининг салмоғи эса, аксинчя, жуда сезиларсиз бўлади.

Хозирги даврнинг рифожланиш талаби молиявий ресурсларнинг шаклланиши билан бир қаторда, улардан самарали фойдаланишни ҳам қаттиқ талаб қилмоқда. Хўжалик субъектлари ихтиёридаги молиявий ресурслари ишлаб чиқаришга инвестициялаштирилса (интенсив) ижтимоий-маданий тадбирларга йыналтирилса, ишчи ва хизматчиларни моддий рафбатлантиришга сарфланса ва бошқа ижтимоий харажатларини моддий таъминланса, қўйилган талабларнинг вақтида бажарилишини таъминланади.

Бозор иқтисодиётини яна бир хусусиятли томони шундаки, мамлакатда аралаш иқтисодни ривожланишга имкон яратилади. Хорижий мамлакатлар

субъектларининг молия ресурсларини иқтисодиётга кириб келиши, мамлакат молия тизимини, шу билан бир қаторда, молия механизмини ўзгаришига, рифожланишига ҳам олиб келади.

Юқорида зикр этилган, молия тизими ва механизмидаги туб ўзгаришларни халқ хўжалигига тадбиқ қилиб, қўзланган иқтисодий ва ижтимоий самараага эришиш учун, албатта биринчидан, молиянинг назарий вазифалари чуқур ўрганилиши, иккинчидан, улар амалиётида синааб кўрилиши зарур.

Молия фанидан ёзилаётган курс иши назарий хусусият эга. Бундан, талаба харакатдаги қонун материалларига ва иқтисодий адабиётларга таяниб, мустақил мавзунинг моҳияти ва мазмунини очиб беришда ўз билимини кўрсатади. Махсус адабиётлардан оқилона фойдаланиши, талабага қўйиладиган баҳо мезонини оширишга хизмат қиласди.

Курс ишини ёзишнинг мажбурий шарти бўлиб, айтилган хулосаларни асослаб беришdir. Ҳозирги шароитда олий ўқув юртлари учун чиқарилган ўқув қўлланмаларида, олимлар томонидан молиянинг моҳиятига, функцияларига, тизимиға турлича ёндошишлар мавжду. Талабалар учун ҳар қандай илмий ғояни талқин қилиш ҳуқуқи берилган. Аммо, талабани айтилган нуқтаи назари далиллар билан асослаб берилиши шарт.

Мустақил шуғулланаётган талабаларга кафедра мудирининг рухсати билан ушбу услубий кўрсатмага киритилган курс иши мавзуларидан ташқари бошқа мавзу берилиши мумкин.

Талабалар айrim қизиқарли ва аҳамиятли курс ишларини, шу мавзуларга таълуқли бўлган семинар дасрларида, кафедра мудирининг рухсатидан сўнг, дарс пайтида ҳимоя қилиш имкониятига эга. Қолган курс ишлари тасдиқланган график бўйича ҳимояга қўйилади.

Курс ишини асосий баҳолаш мезони бўлиб, кўрсатилган адабиётлардан тўлиқ фойдаланиш щисобланади. Ушбу услубий кўрсатманинг охирида «Молия» курси бўйича асосий ва ёрдамчи адабиётлар рўйхати кўрсатилади.

Талабаларнинг курс иши мавзуларини танлаш ихтиёрийдир. Бир хил мавзудаги курс ишини икки талаба олиши рағбатлантирилмайди. Лекин, курс ишига раҳбарлик қилаётган ўқитувчилар ва кафедра мудирининг розилигига биноан, икки талабанинг бир мавзуда курс ишини ёзишига ва ҳимоя қилишига рухсат берилиши мумкин.

II. Курс ишини ёзиш жараёнига қўйиладиган талаблар.

1. «Молия» фанидан курс ишини ёзишни талабалар танлаган мавзуга бағишлиланган маҳсус ва ёрдамчи адабиётлар билан танишишдан бошлиши керак. Бунда талаба танлаган мавзуни илмий таҳлил қилиб ва мантиқан асослаб, курс ишида режалаштирилган саволларни мазмунини тўлиқроқ очиб бериш лозим. Масалан, агар курс иши «Молия тизимини таркибий соҳалари» мавзусида бўлса, унда талаба нафақат молия тизимини, балки сощалари бўйича ҳар хил илмий қарашларни мавжудлигини таҳлил қилиши керак. Талаб шундаки, талаба ҳар бир соҳа ва ундаги бўғинларга кенг ҳолатда

тавсиф бериши ҳам лозим. Суғурта соҳасининг алоҳидалигини аниқлаб бериб, уни давлат молияси соҳасини таркибий қисми эмаслигини ва аксини кўрсата бериши лозим ва шунга ўхшашлар.

2. Курс ишини тузилиш, кўриладиган саволлар тартиби курс ишига раҳбарлик қилаётган ўқитувчининг розилиги билан амалга оширилади.

Курс ишини варақлар сони чегарланмайди, бироқ 35 бетдан ошмаса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ишнинг ёзилиши жараёнида, иш режаси, кириш, ишнинг мазмуни, қисқача хулоса ва файланилган адабиётлар берилиши лозим.

3. Титул варағи куйидаги кўринишда расмийлаштирилади. (1-иловага қаранг)

4. Курс ишини кафедрага топшириш белгиланган муддатдан кечикса, у фақат кафедра мудирининг рухсати билан қабул қилинади.

5. Курс ишларини ҳимоя қилиш, кафедра мудири томонидан тайинланган хайъат аъзолари олдида амалга оширилади.

6. Тарабанинг танланга курс иши, унинг кейинги диплом иши учун ҳам асосий материал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

III. Курс ишининг мавзулари.

1. Молиянинг моҳияти
2. Молиянинг функциялари
3. Молиянинг объектив зарурлиги
4. Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда молиядан фойдаланиш.
5. Такрор ишлаб чиқариш жараёнини молиявий жихатдан таъминлаш масалалари
6. Марказлаштирилган молиявий ресурслар ва уларнинг манбалари
7. Марказлаштирилмаган молиявий ресурслар ва уларнинг манбалари
8. Қимматли қоғозлар бозори ривожланиши масалалари.
9. Коллеж сметасини тузиш ва молиявий манбаларда фойдаланиш.
- 10.Молиявий резерв ва уларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти.
- 11.Молиявий бозор, молиявий ресурсларни жалб этишда ва тақсимлашда унинг роли.
- 12.Хиссали ва карзли қиммат баҳо қоғозлар.
- 13.Биржалар уларнинг турлари ва иқтисодиётда тутга ырни.
- 14.Худудлараро ва тармоқлар аро молиявий ресурсларни қайта тақсимлашни зарурлиги.
- 15.Молия-иқтисодий рағбатлантирувчи курол сифатида.
- 16.Молиявий сиёсатнинг мазмуни ва аҳамияти.
- 17.Молия механизм ива унинг таркибий кисмлари.
- 18.Хозирги даврда давлатнинг молия сиёсати.
- 19.Молиявий инкиrozнинг пайдо бўлиш сабаблари.
- 20.Молиявий бошқарув органлари ва уларнинг вазифалари.
- 21.Оператив молия бошқарув тизими.

22. Молиявий режалаштириш унинг вазифалари ва услублари.
23. Молиявий назоратни мазмуни ва аҳамияти.
24. Аудиторлик назоратининг вужудга келиши ва ривожланитириш йўллари.
25. Тижорат асосида фаолият кўрсатаётган корхоналар молияси
26. Корхоналарнинг молиявий ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш.
27. Амортизация ажратмаларининг шаклланиши ва фойдаланишдаги муаммолар.
28. Акциядорлик жамиятлари молиясини ташкил этиш.
29. Асосий ишлаб чиқариш фонdlарини доиравий айланнишини молиявий манбалари билан таъминлаш.
30. Айланма маблағларни молиявий ресурслар билан таъминлаш.
31. Фойдани таксимлаш ва ундан фойдаланиш.
32. Тижорат асосида фаолият кўрсатадиган корхоналарни молиявий режалаштириш.
33. Нотижорат асосида фаолият кўрсатадиган муассасаларнинг молиявий режасининг хусусиятлари.
34. Суѓуртанинг иқтисодий моҳияти ва унинг функциялари.
35. Бозор иқтисодиёти ўтиш шароитида суѓурта муносабатларини ривожлантириш масалалари.
36. Мулкий суѓуртанинг иқтисодий аҳамияти.
37. Шахсий суртанинг аҳамияти ва бозор хўжалигида ривожлантириш йўллари.
38. Суѓурта тармоқлари жамият хаётида уларнинг роли.
39. Ижтимоий суѓуртанинг моҳияти ва аҳамияти.
40. Тиббиёт суѓуртаси.
41. Суѓурта бозорини ривожлантириш муаммолари.
42. Давлат молиясини таркибий кисмлари.
43. Давлат даромадлари ва уларни жалб этиш усуллари.
44. Давлат харажатлари, унинг давлат функциялари билан узвий боғлиқлиги.
45. Давлат бюджетининг моҳияти, ижтимоий иқтисодий жараёнларда унинг роли.
46. Давлат бюджетининг харажатлари ва уларнинг таркиби
47. Республика бюджетининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш.
48. Бошқарув харажатлари уларни қисқартириш йўллари.
49. Харбий харажатлар уларни қисқартириш имкониятлари.
50. Ижтимоий маданий харажатларнинг молиявий манбаалари
51. Давлат бюджетининг даромадлари ва уларнинг таркиби.
52. Республика бюджетининг даромадлари, уларнинг молиявий манбаалари.
53. Махаллий бюджет даромадлари, уларнинг таркиби ва тузилиши.
54. Давлатнинг солик сиёсати.
55. Туғри соликларнинг таркибий тузилиши.
56. Эгри соликларнинг бюджет даромадларидаги роли.
57. Бюджет камомади вау нинг вужудга келиш сабаблари
58. Бюджет камомадини қисқартиришнинг асосий йўналишлари.

- 59.Давлатнинг бюджет тизими.
- 60.Бюджет жараёни.
- 61.Бюджетдан ташкари фондлар.
- 62.Давлат ижтимоий сугурта ва нафака фонди.
- 63.Аҳоли бандлиги давлат фондининг молиявий манбалари.
- 64.Давлат кредитининг мощияти.
- 65.Давлат кредитининг турлари, уларнинг туркумланиши.
- 66.Давлат ички карзларини пайдо былиш сабаблари
- 67.Молиянинг халқаро интеграцион жараёнларига таъсири.
- 68.Хорижий инвесторлар маблағиги республика иқтисодиётига жалб этиш муаммолари.
- 69.Эркин иқтисодий худдуларни ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.
- 70.Марказлашган валюта фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш.
- 71.Кўшма корхоналарни иқтисодиётда тутган ўрни ва улардаги молиявий масалалар.
- 72.Инвестицион мухитни таъминлашнинг молиявий шарт-шароитлари.
- 73.Хорижий инвестерларга бериладиган молиявий енгилликлар.
- 74.Республиканинг халқаро фондларда иштирок этиши иқтисодий аҳамияти.

Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон. 1992 .
2. Ўзбекистон Республикасининг «Корхона тўғрисида» ги қонун. – Тошкент: Ўзбекистон. 1992.
3. Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси - Тошкент: Ўзбекистон. 1997.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида» ги конуни.- Тошкент: Ўзбекистон. 1998
5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чукурлаштириш йўлида. - Тошкент: Ўзбекистон. 1995.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. .- Тошкент: Ўзбекистон. 1998
7. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. .- Тошкент: Ўзбекистон. 1996
8. Маликов Т.С. Олимжонов О. Молиявий менежмент. .- Тошкент: Академия . 2000.
9. Стоянов Е.С.Финансовый менежмент. –Москва: Перспектива. 1995.
10. Балабанов.И.Т. Основые финансового менеджмента. Как управлять капиталом?-Москва: Финансы и статистика. 1995.
11. Павлова Л.Н. Финансовый менеджмент (Управление денежным оборотом препрятствия).-Москва: Банки и биржи. 1996.
12. Чжен. В.А. Хусусийлаштириш асослари. –Тошкент: И=тисод ва ху=у= дунёси,1996.

13. Чжен. В.А., Низомов Ф.Ш. ва бошқалар. Пул ва молия бозори. Тошкент. 1996 .
 14. Беганов В.С., Абдуллаев Ш.Х. ва бошқалар. Молия сиёсати, соликлар ва солик солиш. Тошкент. 1998.
 15. Лабанова Е.Н., Лимитовский М.А. Финансовый менеджер. –Москва: Школа финансового менеджмента. 2000.
 16. Сомеонов Н.Ф., Баранникова Н.П. и другие. Финансовый менеджмент. Москва, Финин, 2000
 17. Радионова В.М. Финансы. Москва «Финансы статистика», 1995

Күшимча адабиётлар.

1. Федотова М.А. Финансы предпринимательства. М., «Финансы статистика». 1995.
 2. Финансовое планирование деятельности малых предприятий. США, Москва, крокурс Интернейшнл, 1991.
 3. Алексеева М.Ю Рынок ценных бумаг. Москва, «Финансы статистика». 1992.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Наманган мұхандислик-педагогика институти «Молия ва бухгалтерия ҳисоби» кафедраси

«**» мавзусида**

Курс иши

Талаба:

Исми ва фамилияси, гурухи

Илмий раҳбари

Унвони, исми ва фамиляси

Намангандар